# ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

| | |
|---|---|
| Гурух | __________________ номли катта гуруҳи |
| Мавзу | Ўсимликлар билан дўстлашамиз |
| Давр | февралъ ойининг 3 хафтаси |

| | | |
|---|---|---|
| Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар | жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; | Болаларни жисмоний сифатларини ривожлантириш чидамлилик, тезлик, мувозанат, эгилувчанликни такомиллаштириш |
| | ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; | Болани ижтимоий хиссий ривожлантириш хаётта табиатга нисбатанмухаббатларини уйғотиш(этиборли бўлиш,ёрдам бериш). |
| | нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; | Сўз бойлигини кенгайтиришда ўсимликларни номлари билан сифати,харакати,ўрни билан луғатни фаоллаштириш.Ўсимликларни сифатини тарифлашда мақул |
| | билиш жараёнини ривожланиши; | Ўзбекистон ўсимликлар билан таништиришда давом этиш |
| | ижодий ривожланиш. | Ўзбекистон ўсимлик баргларидан фойдаланиб расмга декоратив нақш безакларни беришни билиш,мўйқаламни учини тўғри,гажак,тўлкинсимон,доира,нуқтали |

| Ривожлантириш маркази | | Таълим-тарбиявий фаолият | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Душанба | Сешанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Ресурслар, иловалар |
| Фронтал машғулот | | | | | | | |
| Мустақил таълим фаолияти | Қурилиш ва канструктор ўйинлар математика | Қоғоздан "Лола" ясаш | | Йирик қурилиш ашёларидан дарахт ясаш | | | Кубиклар жамламаси,Канструктор модули ,қоғоз |
| | Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш | Сюжетли ролли ўйинлар "Гуллар дўкони" | | | | | Гуллар дўконига керакли атрибудлар |
| | Нутқ ва тил | “Ўн икки ой” халқ эртаги | | | | | Эртак асосида атрибутлар |
| | Илм ва табиат маркази | Экилган пиёз, саримсоқ пиёзларни парваришлаш | | Хона гулларини ўсишини кузатиш | | | Хона гуллари |
| | Санъат маркази | Расм чизиш "Чучмўма" | | | Жамоа иши аппликация "Чучмўма ёпиштириш" | | Қоғоз бўёқ,мўйқалам,салфетка елим қайчи |
| | Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш | | | | | | |

## Феврал 3 ҲАФТАСИ

### «Ўсимликлар билан дўстлашамиз»

*Қуриш-ясаш ва математика маркази.*

**Қоғоздан “Лола” ясаш.**

**Мақсад:** қоғозни буклаш йўли орқали лола гулини ясаши. Майда қўл маторикасини ривожланиши, оригамини билиши.

**Жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғоз, лола тасвири бўлган расм, оригами усулидаги лола гуллари, қайчи, елим, салфетка.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Лола ҳақида суҳбат ўтказилиши.
2. Қўғўзни буклаш усулидан фойдаланиб (оригами) ясаши;
3. Ижодий фаолиятини ўсиши;

**Қўшимча қисм:** Лола гулини АКТдан фойдаланган холда кўриш.

**Эътиборга молик жиҳати:** қоғозни буклашда симметрияга эътибор қилиши, рангларни тўғри танлаши.

*Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмматизациялаш маркази*

**«Гуллар» дўкони**

**Мақсад:** Гуллар дўкони ва сотувчи хақида маълумотга эга бўлади, хона гуллари номини биладилар.

**Жиҳоз ва материаллар:** хона гуллари (фикус, фиалка, бигоня, кактус...) гуллар дўкони макети.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Гул дўкони ўйинини режалаштириши.
2. Дўкондаги гулларни томоша қилиши.
3. Сотувчи билан мулоқатга кириши.
4. Ихтиёрий ўйинлар.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи кузатади мавзуга доир янги фикр беради.

**Эътиборга молик жиҳати:** Ўйинда ўзини тута билишини, катталар касбига қизиқиши.

*Нутқ ва саводхонлик маркази*

**Сухбат “Ўн икки ой” славян ҳалқ эртаги**

**Мақсад:** жахон ҳалқ эртакларига қизиқиши. Эртак қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларига мустақил баҳо бериши; яхшилик ва ёмонликни, одоб ва одобсизликни фарқлаши.

**Жиҳоз ва материаллар:** “Ўн икки ой эртаги асосида ишланган расмлар, йил фасллари акс эттирилган расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Яхшилик ва ёмонлик ҳақида суҳбат;
2.“Ўн икки ой” – Словак халқ эртагини сўзлаб бериш;
3.Эртак мазмуни бўйича суҳбат;
4. Фаолиятни якунлаш.

**Қўшимча қисм: “**Нима яхшию, нима ёмон” мавзусида суҳбат.

**Эътиборга молик жиҳати:** яхшилик ва ёмонлик, одоб ва одобсизликни англаб етиш бир бирига ёрдам бериш ва ҳурмат қилиш.

*Фан ва табиат маркази*

**Экилган пиёз ва саримсоқ:**

**Мақсад:** Ўсимликларни суғориш усулларини билади: оддий суғориш, найча орқали суғориш, томчилатиш усулида суғориш. Ўсимликларни суғориш усулларини таққослайди. Экилган пиёз ва саримсоқни кузатиб бориши.

**Жиҳоз ва материаллар:**экилган пиёз ва саримсоқни лейка, найчалар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Униб чиққан пиёз ва саримсоқни кузатиши.
2. Ўсимликларни турли усулда суғориш тажрибасини ўтказиш.
3. Кузатиш жадвалига ёзувни қайд этиши;
4. Униб чиққан сабзавотлар ҳақида суҳбат ўтказилиши.

**Қўшимча қисм:**бажарилган ишни тасвирлаб бериши ёки расмда акс эттириши.

**Эътиборга молик жиҳати:**мехнатга муносабатини шаклланиши, тажрибани ўтказилиши, кузатилиши.

*Санъат маркази*

**“Чучмўма” расм чизиш:**

**Мақсад:** расмни тасаввурга асосан гулларни ташқи қиёфасини (шох, поя, барги)ни ифодалаши. Бўёқ билан расм солиш кўникмасини, шакл ва чизиқларни мос равишда ифодалаши, мустақил равишда рангтанлаши.

**Жиҳозлар ва материаллар:**Чучмўма расми, оқ қоғоз, бўёқлар, мўй қалам, сув, салфеткалар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Чучмўма гулини. АКТ орқали томоша қилиши, кузатиши.
2. Расм чизиш тартибини кўрсатиб, тушунтириб бериши.
3. Мўйқаламни қўйиб, олиш усулидан фойдаланиши.
4. Чучмўма гули ҳақида ҳикоя тузиши.

**Қўшимча қисм:**Чучмўма ҳақида шеър ёд олдириш.

**Эътиборга молик жиҳати:**Расмни қоғоз сатҳининг марказига жойлаштиришга риоя қилиши.

*Қуриш, ясаш ва математика маркази*

**Йирик қурилиш ашёларидан “Дарахт” ясаш.**

**Мақсад:**Легодан; тасаввурлари асосида дарахт ясашни билиши, қайси дарахтни ясашларини ажрата олиши, геометрик фигуралар ҳақида билимлари мустахкамланиши, майда маторикани ривожланиши.

**Жиҳоз ва материаллар:**Конструктор модули кубиклар жамламаси. Қурилиш материаллари; лего, дарахтлар тасвирланган расмлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Расмни кузатиш ва дарахтни танлаш.
2. Ясашни режалаштирилиши.
3. Кайси қурилиш материалларидан фойдаланиши.
4. Дарахтларни таққослаши.
5. Жамоада ишлаши.

**Қўшимча қисм:** Дарахтлар тасвирланган альбом томоша қилиши.

**Эътиборга молик жиҳати:**ижодий қобилятларини ривожлантириши, мустақилликка ўргатиши, геометрик фигураларни ишлатилиши.

*Фан ва табиат маркази*

**“Хона гуллар”ини ўсишини кузатиш.**

**Мақсад:**Хона гулларидан кактус, фиалка, бегоня...ни ўсиши,қандай парвариш қилиши ҳақида маълумотга эга бўлиши, табиатга хона гулларига нисбатан мехрларини таркиб топиши.

**Жиҳоз ва материаллар:**Хона гуллари, лейка, тупроқ юмшатгич, сув ўғитлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Хона гуллари ҳақида суҳбат ўтказилиши.

2. Гулларни парваришлаш учун жойни тайёрлаши.
3. Гуллар тагини юмшатиш, ўғит бериш, сув қуйиши.
4. Тажрибани кузатилиши.

**Қўшимча қисм:**Гулларни танлаб олиши ва парваришлаш.

**Эътиборга молик жиҳати:**Гулларга эхтиёткорона кетма-кетликда парвариши, мунтазам кузатиб борилиши.

<u>*Санъат маркази*</u>

**“Чучмўма” жамоа иши аппликация**

**Мақсад:**Жамоада ишлаш малакаларини шаклланиши, майда маторикани ривожланиши, қоғозни буклаб, қирқиш малакасини шаклланиши, озода ишлашларини таркиб топиши.

**Жиҳоз ва материаллар:**Рангли қоғоз, елим, қайчи, мўй қалам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Жамоада ишлашни режалаштирилиши.
2. Вазифаларни белгилаб олиниши.
3. Топшириқни бажарилиши.
4. Жамоа ишини кузатилиши.

**Қўшимча қисм:**Жамоа ишини гурухга совға қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** Мустақил бажаришга йўналтирилиши, топшириқни охиригача етказиши.